



ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ: ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ

Ибраимов Холбой Ибрагимович
Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси,
академик, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси
миллий институти директори



Илм йўқ жойда қолоқлик,
жаҳолат ва тўғри йўлдан адашиш
бўлади. Шарқ донишмандлари
айтганидек, “Энг катта бойлик –
бу ақл-заковат ва илм, энг катта
мерос – бу яхши тарбия, энг
катта қашшоқлик – бу
билимсизликдир! Таълим
сифатини ошириш – Янги
Ўзбекистон тараққиётининг
яккаю ягона тўғри йўлидир.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев*


Инсон аввало оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Фарзанд оилада жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбияланиши, соғлом фикр, яхши ахлоқ билан қуроллантирилиши лозим. Оиладаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий қадриятлар кейинчалик одамлар орасида маҳалла-қуйда, таълим муассасаларида сайқал топади. Оилада соғлом муҳитни яратиш, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, фарзандларга чуқур билим асосларини ўргатиш, уларнинг маърифатли ва маънавиятли кишилар бўлиб етишишларини таъминлаш, касб-ҳунар эгаллаб, жамиятга нафи тегадиган инсон бўлишида ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда, ҳар томонлама баркамол, комил инсонни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Буюк педагоглар фарзанд тарбияси хусусида:



Инсон табиатига болаликда
сингдирилган фазилатларгина
мустаҳкам ва ишончли бўлади.

Я. Коменский




Фарзандингизни толесиз
қилишингизнинг энг синалган усули
қандайлигини биласизми — у нима
деса, ҳаммасига хўп денг.

Ж. Ж. Руссо




Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунчалик кучли ва тартибли бўлади.

Абдурауф Фитрат




Тарбия санъатининг ўзига хос хусусияти шундаки, у деярли ҳаммага таниш ва тушунарли, баъзи бировларга — ҳатто осондек туюлади, киши тарбия санъати билан назарий ёки амалий жиҳатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шу қадар тушунарли ва осондек бўлиб кўринаверади.

К. Д. Ушинский



Хатто болалар билан муомалада ҳам
тўғри сўз бўл: бирон нарса ваъда
қилдингми, бажар, акс ҳолда, уни
ёлғончиликка ўргатасан.

Л. Н. Толстой



Болаларнинг аксари ўйинлари
катталарнинг жиддий фаолиятига
тақлиддир.


Я. Корчак

Оила жамиятнинг негизи, ҳар бир шахснинг онгида, хатти-ҳаракатида болалигидан бошлаб шаклланадиган барча фазилатлари, ниятлари, маслаклари амалга ошадиган маскан ҳамдир.

Фарзанд — навниҳол, оила таянчи. Ҳар-бир ниҳол парваришга муҳтож. Фарзанд райҳондир. Уларда жаннат ифори бор. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга қиз фарзанд кўрганлари хушхабарини етказилганда: “Ҳидлайдиган райҳоним”, деганлар.

Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан-мамлакат барқарордир. Фарзанд тарбияси ота-онанинг энг катта ва масъулиятли вазифаларидан бири саналади. Бу вазифага эътиборсизлик келажакда жамият тараққиётига хавфли таъсирини келтириб чиқаради. Шунинг учун тарбия қисқа муддатда ва бирданига сингдириладиган жараён эмас, уни йиллар давомида гўдакликдан сингдириб бориш талаб этилади.


Психология фанига назар ташласак, бола шахсиятининг ривожланишида асосий омиллар **ирсият, ижтимоий муҳит** ва **мақсадли таълим-тарбия** ҳисобланади.




Индивид



Шахс



Психологларимиз ота-оналикнинг энг муҳим сифатларига аввало – **протекция** ёки фарзандларини тарбиялаш учун сарфланадиган кучда деб баҳолайдилар ва буни қуйидаги гуруҳларга бўладилар:



1. Гипопротекция

2. Гиперпротекция

3. Ғамхўрликдан устун
келадиган гиперпротекция

4. Ўта кучли ахлоқий
масъулият

1. Гипопротекция- болага хаддан зиёд кам эътибор қаратиш, қаровсизлик, бола тарбиясини мутлақо ўзга шахслар, бегоналар ёки тақдир ҳукмига ишониб ташлаб қўйиш.

2. Гиперпротекция – ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танқид ва мулоҳазасиз қондиришга интилиш; болани ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, унинг барча истакларини жойида бажо келтириш, эркалатиш, оддий ютуқларидан қувониш, хатоларини сезмасликка қаратилган ҳаракатлар. Боласи учун “жонини жабборга берувчилар” одатда ўзлари билмаган ҳолда фарзандларига ёмонлик қилаётганликларини сезмайдилар, натижада бола келажакда ишга тоқати йўқ, кўпчиликнинг ичида ўзини тута олмайдиган, ҳаётнинг пастбаландликларида ўзини ночор ҳис этадиган, тантиқ, эрка бўлиб қолади.

3. Ғамхўрликдан устун келадиган гиперпротекция – бунда эркалатишдан кўра ота-она томонидан боласининг ҳар бир юрган қадами ва хатти-ҳаракатини назоратга олиш орқали унга эътибор бериш назарда тутилади. Шунинг учун бу тарбия услубида турли хил таъқиқлар, чегаралашлар (“у мумкин эмас”, “бу мумкин эмас” қабилида) бисёр бўлади. Бундай шароитда катта бўлган бола одатда мустақил фикрли, мустақил қарорлар чиқарувчи бўлолмайди, барча ишларида катталарнинг аралашувига кўникиб кетади.

4. Ўта кучли ахлоқий масъулият – бунда ота-она томонидан болага нисбатан талаблар даражаси юқори бўлади, лекин унинг асл хоҳишистаклари, эҳтиёжлари унчалик эътиборга олинмайди. Ота-она боласининг келажагини пухта қилишни ўйлаб, унинг юриш-туриши учун ўзларини масъул деб ҳис қилган ҳолда, шахсий тасаввуридаги инсонни яратишга, шахсни шакллантиришга уринадилар, баъзан назорат остида боланинг ёши, ақлий ёки жисмоний имкониятларига зид талаблар, топшириқлар ҳам берилаверади.

Педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил этиш шарт-шароитларидан бири ота-оналарнинг саводхонлигида, деб ҳисоблаган эдилар. Масалан, **Абдулла Авлоний** ўзининг **«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»** номли асарида шундай дейди: «Тарбияни кимлар қилур? Қаерда қилур?» деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси, бу она вазифасидир. Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, муддарис ва ҳукумат вазифасидур деб жавоб берсак, бу киши деюрки «қайси оналарни айтурсиз, билимсиз, боши пахмоқ, кўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қандай олиб берурлар», дер. Отасига нима дерсиз, десак «қайси ота? - Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм кадрили билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмоқ лозимдир».

Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши керак. Чунки бола табиатан ниҳоятда **тақлидчан ва кузатувчан** бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги кўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради.

Болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишларида **oilанинг вазифалари**:

oilада соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-она, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш;

қизиқиши, иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш;

уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларнинг қўшимча таълим олишларига шарт-шароит яратиш;

болалар онгига санитария-гигиеник, экологик билим ва кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбиявий ишларни амалга ошириш.

Болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишларида **маҳалланинг вазифалари:**

таълим муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилишда қатнашиб, оқилона ечимлар топишда фаоллик кўрсатиш;

фарзандлари тарбияси билан етарлича шуғулланмайдиган ота-оналарни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш, лозим ҳолларда бундай ота-оналар билан тегишли профилактик тадбирларни белгилаш мақсадида маҳалла фаолларини бириктириш ёки қонун доирасида бошқа чоралар кўриш;

ёшлар диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг салбий таъсирини тўғри англаб етишида уларга ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аجدодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга кенг жамоатчиликни сафарбар қилиш;

маҳалла ҳудудидаги нотинч оилаларни аниқлаш ва уларда содир этилиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларнинг олдини олиш

Таълим муассасаларининг вазифалари:

болаларга таълим беришда илғор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан ўринли фойдаланишга шарт-шароит яратиш;

ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия олиш жараёнида турли хил чалғитувчи воситаларнинг зарари ва улар оқибатларининг олдини олиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлод онги ва шуурига таъсир этишга қаратилган маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш;

таълим муассасаларида ёшларнинг бирорта касб-ҳунарни эгаллаши учун пойдевор яратиш;

ёшларни мустакил фикрлашга ўргатиш, уларни истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

ўқувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш.

Юртимиз уламолари ўз асарларида фарзандининг чиройли одобидан умид қилган ота-она, уни мунтазам равишда ҳусни хулқ асоси бўлган **муомала одобининг** қуйидаги қирралари билан таништириб бориши муҳим эканини алоҳида таъкидлаганлар:

- 1) фарзандингиз одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига эътибор қаратинг;
- 2) одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андуҳидан қайғуриш, мол-мулкига хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш ҳусни хулқ эгаларига хос фазилатлардандир. Шунинг учун фарзандингизга ана шу хислатларни болаликдан сингдириш пайида бўлинг;
- 3) фарзандингизга ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ўзгаларни менсимаслик, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муносабат кўрсатиш ҳам одобсизлик эканини уқтириб боринг;
- 4) ёши улуғ кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, буйруқларини сидқидилдан бажаришни ҳам болалар қалбига жо қилишга эътибор беринг.


Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти – Сизнинг илмий кўмакчингиз



Институтимиз 94 ёшда. Унда буюк ааломларимиз, жадид мутафаккирларимиз хизмат қилишган. Шулардан бири Абдурауф Фитратдир. Институтимиз таълим ва тарбия амалиётини илмий асосга қўйишга хизмат қилади.




Бугун биз қуйида Сиз ҳурматли ўқитувчиларимиз учун ишлаб чиқилган айрим методикалар, қўлланмалар, дарсликларимизни тақдим қиламиз. Ушбу қўлланмалар мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мактабгача ва мактаб таълимини трансформация қилиш бўйича берган топшириқлари ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги топшириқлари асосида яратилган.

Мазкур қўлланмалар ота-оналар ва муаллимлар учун таърибия деб аталмиш машаққатли йўлда ёрдамчи бўлади деб умид қиламиз.

**Ота-оналар учун педагогик
қўлланма**









Бу китоблар
ивент, витаген ва
артпедагогика
технологиялари асосида
тайёрланган.
Ўқувчиларимизнинг
“Тарбия” фани,
“Маънавият соати”да
ўрганадиган мавзуларини
бойитади.
Қизиқарли қилади.



ЧЎНТАК КИТОБЧАЛАР(POCKET BOOKS)



Бу чўнтак китобча бошланғич синф болажонлар учун тайёрланди.



Бу чўнтак китобчада ҳам болалар ёзувчиларининг энг яхшилари жамланди.




Бу китобда ўрта синфлар учун энг яхши, самимий ҳикоя, матнлар жамланди.



2022 йилда олий педагогик таълим муассасалари педагогика ва психология факультетлари учун “Умумий педагогика” дарслиги тайёрланди.

2023 йилда “Педагогика назарияси” дарслиги нашр қилинди.



Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини равон айта оладиган, юқори марраларга эришувчан авлодни тарбиялаш учун ота-она, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади. Фарзандларимизга шундай тарбия берайлики, улар ўз отабоболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъналарига содиқ бўлиб камол топишсин.



**Эътиборингиз учун
ташаккур!**